

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2024, № 3 (5)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2024

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Ильяс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович тарих
фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймахаматович
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна тарих
фанлари доктори, доцент *Ўзбекистон*
Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобокулович
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Сиддиков Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Нарбеков Абдикамил Вафасевич
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Бахранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Жамоат ҳафсизлиги университети
Кандахаров Анваржон Хасанович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймухамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Рахматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Алиназарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети
Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет Национального
Университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/> ; E-mail:
I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib
Faculty of history of the National university of
Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/> ; E-mail:
I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Abdurasulova Faxriya Bahtiyor qizi BUXORO AMIRLIGI IJTIMOYIY-IQTISODIY, SIYOSIY VA MA'NAVIY HAYOTINI O'RGANISHDA MANBASHUNOSLIK TAVSIFI	4
2. Abdullayev Akmaljon Xasanbay o'g'li O'ZBEKISTON TARIXI FANIDA DATA SCIENCENING O'RNI	13
3. Ergashev Husan Yusup o'g'li MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIX FANI VA TA'LIMINING RIVOJLANISHIDA O'ZMU TARIX FAKULTETINING O'RNI VA AHAMIYATI	19
4. Кенджаев Якуб Юсупович СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ҒАРБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДАН КЎЧИРИЛГАН САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЖОЙЛАШТИРИЛИШИ (1941-1945)	26
5. Kandaxarov Anvar Xasanovich O'RTA ASR DAVLATCHILIGIDA DIN VA TASAVVUF VAKILLARINING TA'SIRI	31
6. Мухамедов Якубджан Кадирович ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ ВА ВИЗАНТИЯ ЎРТАСИДАГИ ИЖТИМОЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР	44
7. Нишанбаева Энахон Зарипбаевна ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ	54
8. Нормуродов Дилмурод Рахматуллаевич XV – XVI АСРНИНГ БОШЛАРИГА ОИД “ЯНГИ САНГАНАК” ХАЗИНАСИДАГИ БУХОРО ТАНГАЛАРИГА ДОИР	64
9. Toshxujayev Shoxrux Erkin o'g'li BOBURIYLAR SULOLASINING JAHONSIVILIZATSIYASIGA QO'SHGAN HISSASI	74
10. Usarov Umidjon Abdimavlyanovich ROSSIYA IMPERIYASINING TURKISTON O'LKADAGI YER-SUV MUNOSABATLARINING BOSHQARILISHIDA KADRLAR MASALASIGA OID SIYOSATI	80
11. Эшқурбонов Фазлиддин Нуралиевич., Аннаев Джалолиддин Тухташевич ТАРМИТА-ТЕРМИЗ БУДДАВИЙЛИК ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИГА ДОИР	87
12. Шакиров Ильяс Рахимзянович ВОПРОСЫ ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И КОРОЛЕВСТВА ТАИЛАНД (1991-2016)	101

Эшқурбонов Ф.Н.

тарих фани ўқитувчиси,
Тошкент шаҳар Олмазор тумани
11-сонли умумий ўрта таълим мактаби.

Eshqurbonov91291@mail.ru

Аннаев Ж.Т.

доцент, т.ф.ф.д. (PhD)
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети

jaloliddinannaev@gmail.com

ТАРМИТА-ТЕРМИЗ БУДДАВИЙЛИК ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИГА ДОИР

АННОТАЦИЯ

Мақолада Бактрияда Буюк кушонлар ҳукмронлиги даврида маданий алоқалар натижасида буддавийлик таълимотининг Қобул-Балх йўналиши бўйлаб Эски Термиз ҳудудига кириб келиши ва тарқалиши даври таҳлил қилинган. Шунингдек, археологик тадқиқотлар натижасида Эски Термиз буддавийлик иншоотларининг меъморий тарҳи тузилиши ва улардан аниқланган буддавийлик мавзусига оид топилмалар асосида ушбу иншоотларнинг вазифалари борасида фикр-мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар: Окс-Амударё, Катта Юечжи, Канишка, Бактрия, Гандҳара, Эски Термиз, Тармита-Термиз, Taromaetha, буддавийлик, маданий алоқалар, Қоратепа, Фаёзтепа, Зўрмола, Чингизтепа, Уштур-мулло, Ажинатепа, Хишттепа.

Эшқурбонов Ф.Н.

Учитель истории,
средняя общеобразовательная школа №11,
Алмаларский район, город Ташкент.

Eshqurbonov91291@mail.ru

Аннаев Дж.Т.

доцент, д.ф.и.н. (PhD)
Национальный университет Узбекистана
имени Мирзо Улугбека

jaloliddinannaev@gmail.com

К ВОПРОСУ О ФУНКЦИЯХ БУДДИЙСКИХ ПАМЯТНИКОВ ТАРМИТЫ-ТЕРМЕЗА АННОТАЦИЯ

В статье анализируется процесс проникновения и распространения буддизма в Старый Термез по маршруту Кабул–Балх, обусловленный культурными взаимодействиями в период правления Великих Кушан в Бактрии. Особое внимание уделяется функциям буддийских сооружений, которые интерпретируются на основе археологических находок, связанных с буддийской тематикой и архитектурой буддийских построек Старого Термеза.

Ключевые слова: Окс-Амударья, Большие юечжи, Канишка, Бактрия, Гандхара, Старый Термез, Тармита-Термез, Taromaetha, буддизм, культурные связи, Каратепа, Фаязтепа, Зурмола, Чингизтепа, Уштур-мулло, Аджинатепа, Хишттепа.

Eshkurbonov F.N.

History Teacher,
Secondary General Education School No. 11,
Almazar District, Tashkent City.

Eshqurbonov91291@mail.ru

Annaev J.T.

Associate Professor, PhD
National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek

jaloliddinannaev@gmail.com

ON THE FUNCTIONS OF THE BUDDHIST MONUMENTS OF TARMIDH-TERMEZ

ABSTRACT

The article analyzes the process of the penetration and spread of Buddhism in Old Termez along the Kabul–Balkh route, which was driven by cultural interactions during the reign of the Great Kushans in Bactria. Special attention is given to the functions of Buddhist structures, which are interpreted based on archaeological findings related to Buddhist themes and the architecture of Buddhist buildings in Old Termez.

Key words: Oxus-Amu Darya, Great Yuezhi, Kanishka, Bactria, Gandhara, Old Termez, Tarmidh-Termez, Taromaetha, Buddhism, Cultural connections, Karatepa, Fayaztepa, Zurmola, Chingiztepa, Ushtur-mullo, Ajinatepa, Khishttepa.

КИРИШ

Мил. авв. I минг йилликнинг ўрталарида, Окс-Амударёнинг энг муҳим кечув қисми яқинида асос солинган Эски Термиз 1220 йилда Чингизхон бошчилигидаги мўғул қўшинлари томонидан вайрон қилинган даврга қадар Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар даври тарихида муҳим иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий марказларидан бири ҳисобланган. Эски Термиз ҳудудида XX

асрнинг 90-йилларига қадар ва мустақиллик йилларида амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, ушбу кўҳна шаҳар узоқ ва бой ўтмишга эга эканлиги исботланган. Бунинг натижасида, 2001 йилда ЮНЕСКО раҳнамолигида Кўҳна Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилеи халқаро миқёсда кенг нишонланди [1].

Эски Термиз ёки Тармита-Термиз замонавий Термиз шаҳридан шимоли-ғарбий тарафда, 7 км масофа узоқликда, Амударё бўйида жойлашган. Эски Термизда амалга оширилган археологик изланишларга кўра, унинг ўрнидаги дастлабки аҳоли манзилгоҳига мил. авв. V-IV асрларда асос солинган. Археологик топилмаларга кўра, унинг аҳолиси деҳқончилик, балиқчилик ва овчилик билан шуғулланишган [2]. Эҳтимол, мазкур даврдан бошлаб, Эски Термизнинг Амударё бўйидаги аҳоли манзили сифатида аҳамияти аста-секин ортиб борган. Мил. авв. 329-327 йиллар оралиғида Македониялик Искандар бошчилигидаги юнон-македон қўшинлари томонидан Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ҳудудларнинг эгалланишига қадар мавжуд бўлган ушбу аҳоли манзилгоҳи қадимги даврлардан бошлаб Тармита деб аталган. Термиз номининг Тармита шаклидаги илк изоҳи австриялик олим В. Томашек тадқиқотларида келтирилган. Унинг фикрига кўра, Тармита қадимги авесточа «Taromaetha» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «дарёнинг нариги томонидаги қишлоқ ёки аҳоли манзилгоҳи» маъносини англатган [3]. Ш. Пидаевнинг тахминига кўра, мазкур аҳоли манзининг бундай шаклда номланиши Амударёнинг жанубий соҳилида истиқомат этган аҳоли томонидан берилган бўлиши мумкин. Унинг фикрича, аҳамонийларнинг Бақтр, яъни Балх шаҳрида жойлашган Бактрия сатрапи, марказдан 50 км масофа узоқликда, Амударёда бўйида жойлашган муҳим кечув қисмини муҳофаза қилиш мақсадида бу ерда аҳоли манзилгоҳи ва қалъага асос солган [4].

Илмий манбаларга кўра, македониялик Искандар томонидан мил. авв. 329-327 йиллар оралиғида Тармита-Термиз шаҳар-қалъага айлантирилади ва Окс Александрияси деб номланади. Мил. авв. 293 йилда эса кўчманчилар босқини натижасида шаҳар вайрона учрайди ва салавкий ҳукмдор Антиох I томонидан қайта тикланади. Мазкур шаҳар-қалъа мил. VII асрга оид равенналик номаълум географ харитасида ва машҳур «Певтингер жадваллари»да ҳам Антиохия Тармитаси шаклида келтирилган [5].

Ш. Пидаевга кўра, Эски Термиз шаҳрининг номланиши турли манбаларда турлича талаффуз қилинган. Хусусан, мил. IV-V асрларга оид қадимги арман манбаларида «Дрмат», VII асрга оид хитой манбаларида эса «Тами», XIV асрларга оид хитой манбаларида «Талима» шаклида қайд қилинган. IX-XI асрларга оид араб-форс манбаларида шаҳарнинг номи кўпинча «Тармид», «Тармиз» ва «Тирмиз» шаклида бўлган [6]. Бундан ташқари, қадимги Тибет

буддавийликка оид ёзма манбаларида ҳам Тармиталик буддавий тарғиботчи Дхармамитра исми тилга олинади ва Ш. Пидаяевнинг таъкидлашича, Тармита ва Термиз номларини қиёслашда ўхшашлик белгиларини кузатиш мумкин [7].

Юнон-Бактрия подшолиги даврида эса Тармита-Термиз македониялик Искандар юришлари даврида бошланган эллин маданиятининг Шарқда тарқалишида ўзига хос кўприк вазифасини бажарган. Шунингдек, мил. авв. I асрда Тармита-Термиз орқали Буюк ипак йўлининг муҳим икки тармоғи ўтган. Асосий тармоғи Амударёнинг юқори оқими бўйлаб Бадахшон, тоғли Помир орқали Хитойнинг Синьцзян-Уйғур мухтор райониغا олиб борган бўлса, иккинчи тармоғи эса Темир дарвоза орқали Нахшаб, Самарқанд ва Шош, Уструшона, Фарғона водийси ва Еттисув орқали яна қадимги Хитой томон йўл олган[8].

Тармита-Термизнинг минтақамиз қадимги даври тарихида тутган муҳим ўрни мил. I асрдан III асрнинг ўрталаригача ҳукмронлик қилган Кушон давлати билан боғлиқ. Кушон подшолиги машҳур ҳукмдор Канишка даврида қадимги дунёнинг Рим, Парфия ва Хан Хитойи билан рақобатлашадиган империяларидан бирига айланган [9]. Кушон давлати ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистоннинг бир қисми, Афғонистон, Покистон, Шимолий Ҳиндистон ва Хитойнинг Синьцзян-Уйғур мухтор райони ҳудудларини ўз тасарруфига олган ўз даврининг йирик империяси ҳисобланган.

Кушон подшолигига асос солган этник гуруҳлар Марказий Осиёнинг шимолий ҳудудларида истиқомат қилганлар. Улар юнон-рим муаллифлари асарларида сакаравлар, ассийлар, пассианлар, тохарлар, қадимги ҳинд ёзма манбаларида тохарлар, Хан Хитойи солномаларида эса «Катта Юечжи», яъни «Да Юечжи» деб аталган. Мазкур этник гуруҳлар мил. авв. 140–130 йилларда Ўрта Осиёнинг жанубига, яъни Бактрияга (Бактрия тарихий-маданий ўлкасига Сурхондарё вилояти, Жанубий Тожикистон ва Шимолий Афғонистон ҳудудлари кирган) юриш қилганлар ва бу ерда Юнон-Бактрия ҳукмронлигига чек қўйганлар. Буюк Кушон шоҳлари (Кужула Кадфиз, Вима Ток(то), Вима Кадфиз, Канишка I, Хувишка, Васудева) Кушон давлати чегараларини мустаҳкамлашда, иқтисодиёт ва маданият соҳаларини ҳамда савдо алоқаларини ривожлантиришда фаол бўлганлар. Кушонлар даврида шаҳарсозлик ва шаҳар маданияти янада тараққий этган. Мавжуд шаҳарларнинг (Эски Термиз, Далварзинтепа) ҳудудий жиҳатдан кенгайиши баробарида янги шаҳар марказларига (Зартепа, Бешкапа) асос солинган. Бу шаҳарлар эса, ўз навбатида, кушонлар давлатининг иқтисодий, сиёсий ва маданий марказлари ҳисобланган. Кушонлар даврида дунё динларидан бири ҳисобланган буддавийлик таълимоти кенг тарқалади. Мазкур дин эса Тармита-Термиз мафкуравий ҳаётида муҳим ўринга эга бўлган. Бунинг далили сифатида археологик тадқиқотлар натижасида Сурхон воҳаси ҳудудида

Қоратепа, Фаёзтепа, Зартепа, Зўрмола ступаси каби буддавийлик иншоотларининг аниқланишини келтиришимиз мумкин. Кушон подшолиги Марказий Осиёда қадимги дунёнинг диний бағрикенглик сиёсатини юритган давлати ҳам ҳисобланади. Шимолда Жанубий Ҳисор тоғ тизмаси ва жанубда Ҳиндистон, ғарбда Кўхитонг тоғларидан Хўтан-Қошғар ерларигача чўзилган бу улкан давлатда буддавийликдан ташқари зардуштийлик ва кавилар руҳига сиғиниш ҳам кенг тарқалган [10].

Бақтрия, шу жумладан, унинг шимоли-ғарбий қисми (Сурхон воҳаси) буддавийлик ёдгорликлари эса буддавийлик таълимотининг Ўрта Осиёнинг жанубий қисми ва қўшни давлатлар ҳудудига кириб келиши ҳамда тарқалиши жараёнида ҳам муҳим ўринга эга бўлган. Милодий I асрнинг бошларидан Тармита-Термиз буддавийлик таълимотини Марказий Осиёда тарқалишида ўзига хос «кўприк» вазифасини бажарган. Мил. 629-630 йилда Бақтрия-Тохаристон ўлкаси бўйлаб саёҳат қилган хитойлик буддавий роҳиб Сюань Цзан Тами (Термиз) мулклигида 12 та, Чағониён (Сурхондарёнинг ўрта ва юқори оқими бўйида жойлашган мулклик)да эса 5 та буддавийлик иншоотлари мавжуд бўлганлигини ўз асарида таъкидлаб ўтган [11]. Ўз навбатида, мазкур динлар ва улар билан боғлиқ иншоотлар кушон ҳукмдорлари томонидан қўллаб-қувватланган. Бундан ташқари, мавжуд археологик ва ёзма манбаларга кўра, давлат ишлари ҳам уч тилда юритилган. Булар: қадимги бақтрия, кхароштхи ва «номалум ёзув»лардир. Юнон алифбосига асосланган бақтрия ёзуви Бақтрия ўлкаси ёзуви бўлса, кхароштхи, ўз навбатида, қадимги Ҳинд ёзуви, «номалум ёзув» эса Кушон давлатига асос солган Юечжилар ёзуви ҳисобланган [12].

Кушон подшолиги даврида бир қатор бадий санъат мактаблари ҳам шаклланган. Масалан: Бақтрия ва Гандҳара бадий санъат мактаблари вакиллари томонидан тенги йўқ санъат намуналари яратилган. Бунинг тасдиғини археологик изланишлар натижасида аниқланган кўп сонли топилмаларда кузатишимиз мумкин. Айритом фризлари, Холчаён, Фаёзтепа, Қоратепа, кичик Чингизтепа деворий сурат ва ҳайкалтарошлик намуналари Кушон даври Бақтрия бадий санъати мактабининг ёрқин намуналари ҳисобланади.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Т.К. Мкртычевга кўра, буддавийлик таълимотининг қадимги Ҳиндистондан қўшни ҳудудларга тарқалиши асосан ғарбий ва шарқий йўналиш бўйича амалга оширилган [13].

Ғарбий йўналиш бўйлаб буддавийлик таълимоти Марказий Осиёнинг бир нечта тарихий ўлкаларида кенг тарқалади. Ушбу таълимот издошлари таълимотни «Дҳарма» («Қонун, таълимот») ёки «Буддҳадҳарма» («Будда таълимоти») деб аташган. Буддизм, яъни буддавийлик атамаси XIX асрда европалик олимлар томонидан илмий муомалага киритилган. Будданинг

вафотидан сўнг унинг издошлари ўртасида ажралиш рўй беради ва 2 та асосий йўналиш вужудга келади [14].

Биринчи йўналиш бу – Ҳинаяна (кичик ғилдирак ёки нажотнинг тор йўли) бўлиб, унда буддавийлик таълимотидаги анъанавий қарашларга қатъий амал қилинган.

Иккинчи йўналиш бу – Махаяна (катта ғилдирак ёки нажотнинг кенг йўли) бўлиб, унда Будда таълимоти кенг ислоҳ қилинган, Буддага илоҳий тус берилиб, буддавийлик характеридаги диний маросим ва ибодатлар жорий этилган [15].

Ҳинаяна йўналишига кўра, шахс «санҳа», яъни роҳиблар жамоасига кириб, яқка-ёлғизликда таркидунёчилик ва тақводорлик қилиш йўли билан ҳаёт кечириш орқали кундалик ташвишлардан халос бўлиш мумкин бўлган. Махаяна йўналиши вакиллари ўзларининг йўналишига тегишли бўлмаган буддавийликнинг бошқа барча мактаб вакиллари ажратиб кўрсатиш мақсадида ҳинаяна атамасини қўллашган. Ҳинаяна тарафдорлари эса ўзлари ушбу йўналишга оид эмаслиги ва барча буддавий мактаблари ўз номи билан аталиши лозимлигини таъкидлашади.

Махаяна эса ҳамдардлик ва хайрихоҳлик билан инсонларни олий мақсад сари етаклаш ва уларга ёрдам бериш ҳақидаги ғоялар асосида қурилган. Ҳинаяна йўналишида Будда кўплаб туғилишлар натижасида турли кўринишда бўлган ва маърифатга эришган шахс сифатида талқин этилса, Махаяна йўналишида эса Бодҳисатвалар сиймоси илгари сурилади. Бодҳисатвалар маърифатга эришган осмон мавжудотлари бўлиб, улар инсонларнинг маърифатга эришишида ёрдам берадилар. Махаянага кўра, ҳар бир инсон Будда ҳолатига эришиши мумкин ва ушбу йўналишда кўплаб буддалар тан олинади. Будда ҳар ерда ва барча нарсада мавжуд, барча нарса бирлигининг энг юқори нуқтаси сифатида қаралади. Бу йўналишдаги асосий бодҳисатвалар Авалокитешвара ва Матрея сиймолари ҳисобланган. Ушбу таълимотдаги роҳиблик турмуш тарзи эса Будда Гаутама томонидан унинг ҳаётлик чоғида асос солинган [16]. Манбаларга кўра, Юнон-Бақтрия ҳукмдори Дементрий I мил. авв. 180 йилда қадимги Ҳиндистон ҳудудига бостириб киради ва у ерда ҳинд-юнон давлатига асос солади. Ушбу давлат ҳукмдорлари даврида ҳам буддавийлик таълимоти янада тараққий этади. Менандр I (қад. ҳинд. Милинда) эса ҳукмронлиги даврида буддавийликни қўллаб-қувватлаган ва Махаяна анъаналарида буддавийлик таълимотининг буюк раҳнамоси сифатида тилга олинади. Мил. авв. I асрда Шимоли-ғарбий Ҳиндистонда содир бўлган сиёсий жараёнлар эса, ўз навбатида, буддавийликнинг Махаяна йўналиши тараққий этишига ва таълимотнинг қўшини ҳудудларга янада кенг тарқалишига олиб келади [17].

Тармита-Термиз ёки, умуман, Шимолий-ғарбий Бақтрия ҳудудига буддавийлик таълимотининг кириб келиши ва тарқалиши мавзусига

бағишланган илмий асарлар ҳамда мақолалар баёнига батафсил тўхталмасдан шуни алоҳида қайд этишимиз керакки, мазкур мавзу билан бир нечта тадқиқотчилар шуғулланишган [18].

Б. Литвинский фикрига кўра, буддавийлик таълимотининг Ўрта Осиёга кириб келиши Кушон давлатининг шаклланиши арафасида ёки давомида содир бўлган [19]. Б.Я. Ставиский Шимолий Бактрия буддавийлик ёдгорликларида амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда буддавийлик таълимотининг Бактрия ҳудудига кириб келишини Канишка даври билан боғлайди [20].

Т.К. Мкртычевга кўра, Шимолий Бактрияда буддавийлик иншоотларининг кенг кўламда барпо этилиши ва буддавийлик таълимотининг мазкур ҳудудда тарқалиши мил. I асрнинг иккинчи ярмида содир бўлган [21].

Ш.Р. Пидаев эса Бактрия аҳолисининг буддавийлик таълимоти билан илк маротаба танишиши мил. авв. I асрда амалга ошган, эҳтимол Кушон подшолиги шаклланиши даврида эса мазкур ҳудудда буддавий даъватчиларининг йирик тарғибот марказлари мавжуд бўлганлигини таъкидлайди [22]. Э.В. Ртвеладзега кўра, Ўрта Осиё халқларининг илк бор буддавийлик таълимоти билан танишиши тангаларининг орқа қисмида ступа тасвири туширилган Юнон-Бактрия ҳукмдори Агафокл (мил. авв. 185–170 йй.)даврида содир бўлган [23].

Шундай қилиб, мавжуд илмий нуқтаи назарларга қарамасдан, Шимоли-ғарбий Бактрия ҳудудига буддавийлик таълимотининг кириб келиши ва тарқалиши Канишка ҳукмронлиги давридан аввалроқ бошланган. Шимоли-ғарбий Бактрия ҳудудига буддавийлик таълимотининг кириб келиши Бактр (Балх) орқали амалга ошган. Балх-Қобул йўналишида бир нечта буддавийлик иншоотларининг ўрганилиш эса ушбу фикрни тасдиқлашда муҳим далил бўлиб хизмат қилади [24].

Мил. авв. II асрда ва кейинчалик «Катта Юечжилар» томонидан Юнон-Бактрия давлати ҳудудлари эгалланган даврда Тармита-Термиз йирик аҳоли манзилгоҳларидан бири эди [25]. Милоднинг бошларида буддавийлик Тармита-Термизда мустаҳкам ўрнашган бўлиб, натижада буддавийлик монастыри Фаёзтепа барпо этилган.

Канишка даврида (мил. II асрнинг биринчи ярми) Тармита-Термиз буддавийлик таълимотининг Ўрта Осиёдаги мафкуравий марказларидан бири ҳисобланган. Бу ердан Темир дарвоза орқали Суғдга, Окс водийси орқали шимоли-ғарбга, Марғиёнага ҳамда Помир ва Олой тоғлари орқали Шарқий Туркистонга қадар борган даъватчилар эса буддавийликни мазкур вилоятларга, шунингдек, Хитой ва Тибетга қадар ёйишга эришганлар [26].

В.В. Вертоградова томонидан Фаёзтепа ёзувларида «асера», яъни «устоз», Қоратепа ёдгорлиги ёзувларида эса «Dharmakathika» – «Таълимот тарғиботчиси»

ёки «Mahadharmakathika» – «Талимотнинг буюк даъватчиси» атамасининг ўқилиши ҳам, ўз навбатида, Фаёзтепада буддавийлик таълимоти билимдонлари тайёрланганлигидан, Қоратепада эса таълим бериш эмас, таълимотни кенг тарғиб қилиш амалга оширилганлигидан гувоҳлик беради. Канишка ҳукмронлиги даврида ташкил топган Фаёзтепа меъморий тузилиши ҳам мазкур буддавийлик монастирини таълимот ҳақида роҳибларга таълим бериш учун мўлжалланганлигидан далолат беради.

Мавжуд нашрлар ва Фаёзтепа меъморий тарҳи тузилишига асосан Тармита-Термизнинг «Naṃa Vihāra», яъни «отли монастир»ида доимий ёки вақтинча истиқомат этган роҳибларнинг тахминий сонини ҳам аниқлаш мумкин. Б.Я. Ставиский Бактрия-Тохаристон ва Марв буддавийлик монастирларида казиб очилган тураржой (хужра)лар сонига асосланган ҳолда доимий истиқомат этган (ёки вақтинча истиқомат этган) роҳиблар (зиёратчилар)нинг сонини куйидагича келтиради. Б.Я. Ставискийнинг таъкидлашича, Фаёзтепа, Уштур-мулло ва Ажинатепаларнинг ҳар бирида 10 тадан, Хишттепада 4-5, Марвда 7-9 тагача хужра мавжуд бўлган [27]. Б.Я. Ставиский битта хужрада иккита роҳиб яшаши мумкинлиги ҳисобга олган ҳолда, Фаёзтепа, Уштур-мулло ва Ажинатепеда тахминан 20 тача, Марвда 16 тача, Хишттепада эса 10 тагача роҳиблар истиқомат этганлигини таъкидлайди. Бизнинг фикримизча, маълум бир буддавийлик иншооти – монастирида истиқомат этган роҳибларнинг сонини аниқлашда уларнинг ҳар бирига алоҳида дифференция усулида ёндашиш керак. С.Г. Хмельницкий томонидан тақдим этилган Уштур-мулло реконструкциясига мурожаат этсак, у ҳолда ушбу монастир 26 хонадан иборат бўлган, улардан 14 таси эса роҳиблар истиқомат этган хужра бўлган [28]. Иккинчи томондан эса Тармита-Термиз буддавийлик диний мажмуалари (Фаёзтепа ва Қоратепа) Ўрта Осиё жанубий ҳудудларининг ўхшаш иншоотларига нисбатан узоқроқ мавжуд бўлишган. Турли катталиқдаги камин, сандал, ўчоқ каби иситиш қурилмалари, суфа ва токчаларнинг мавжудлигига асосланган ҳолда, Фаёзтепа монастирида тураржой-хужраларнинг сони куйидагича бўлган. Ёдгорликнинг илк даври тураржойлари ҳақида маълумотлар мавжуд эмас. Биринчи босқич, яъни икки қисмли монастир–вихаранинг шаклланиши даврида 9 та хона-хужралар мавжуд бўлган. Вима Кадфиз ҳукмронлиги даврида эса тураржойларнинг сони 22 тани ташкил этади. Канишка ҳукмронлиги даврида 24 та тураржой, Хувишка даврида эса 25 та хужра мавжуд бўлган. Агарда битта хужрада 2 та роҳиб истиқомат этганлиги ҳисобидан келиб чиқсак, у ҳолда Фаёзтепанинг биринчи босқичида 18 та роҳиб, буюк кушонлар ҳукмронлиги даврида эса 44, 48 ва 50 тагача роҳиб истиқомат этган. Шундай қилиб, ўзининг энг ривожланган даврида Фаёзтепа буддавийлик монастири–вихараси қадимги Ҳиндистоннинг худди шундай

турдаги ёдгорликларидан қолишмаган. Масалан: Сайди Шариф монастырида 20 та хужра бўлиб ва унда 40 тагача роҳиб истиқомат этиши мумкин бўлган [29].

Бундан ташқари, ёзма манбаларда Хитойда буддавийликни тарғиб қилган, буддавийлик асарларини қадимги Ҳинд тили санскритдан Хитой тилига таржима қилган ва буддавийлик монастырларини қуришга бошчилик қилган ҳамда буддавий роҳиб-шогирдлар тайёрлаган Бактрия-тохаристонлик буддавий даъватчиларнинг исмлари ҳам келтирилади [30]. Мил. III асрнинг биринчи ярмида фаолият олиб борган Бактрия-Тохаристонлик Чжи Цзянь шундай буюк буддавий тарғиботчилардан бири бўлган. У Хитойнинг Лоян ва Нанкин шаҳарларида буддавийлик таълимоти тарғиботини олиб борган. У мил. 222–253 йиллар оралиғида 49 та буддавийлик асарларини хитой тилига таржима қилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилади. Шунингдек, манбаларда яна бир буюк буддавийлик тарғиботчиси тохаристонлик Дҳармаракша Хитой пойтахтига яқин бўлган Чанъанда мил. 284–313 йиллар оралиғида юздан зиёд буддавий асарни хитой тилига таржима қилганлиги ва буддавийлик монастырига асос солганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. У кучли хотира эгаси бўлиб, 36 тилни билган. Манбаларида Дҳармаракша «Нирванинг айниши интиҳоси ғояси»ни тушуниб етган ва бу эса унинг алоҳида юксак инсоний фазилатларидан бири сифатида кўрсатиб ўтилган. Тармита-Термизда туғилиб вояга етган буддавий роҳиб Дҳармамित्रа Тибетда буддавийлик институтига асос солинишига, буддавий асарларни хитой тилига таржима қилишга ва уларни шахрлашга улкан ҳисса қўшган [31].

Тармита-Термиз буддавийлик марказларидан топилган қадимги ҳинд ёзувларининг таҳлилига кўра, Тармита ва унинг атрофида Кушон подшолиги даврида буддавийлик таълимотининг Маҳаяна йўналишига мансуб маҳасангҳика мактаби вакиллари фаолият олиб боришган. Мазкур мактаб вакиллари буддавийликка бодҳисатвалар, яъни шахзода Сидхартҳанинг ёшлиги сиймосини ва буддавийлик ступасига сиғинишини муомалага киритганлар. Бу жараён шимоли-ғарбий Бактрияда, хусусан, унинг марказий шаҳри Тармита-Термизда даврий жиҳатдан мил. авв. I ва мил. I асрлар оралиғига тўғри келади [32].

Қоратепа қадимги ҳинд ёзув намуналарини тадқиқ этган олим Я. Харматтанинг таъкидлашича, маҳасангҳика мактаби вакиллари билан бир вақтда кҳароштҳи ўрнига браҳма ва санскритлашган браҳма ёзувидан кенг фойдаланган Сарвастивада мактаби вакиллари ҳам фаолият олиб боришган [33].

Ж. Фуссманнинг таъкидлашича, маҳаяналик ва ҳинаяналиклар бир вақтнинг ўзида битта монастырда истиқомат этишган ва фаолият олиб боришган [34].

Тармита-Термиз буддавийлик марказларида таълимот билан боғлиқ бўлган асосий элементлардан яна бири бу ступа ҳисобланади. Ступа санскритча атама бўлиб, турлича изоҳланади. Асосан ступа «қоинотнинг мужассами» сифатида

талқин этилади. Қоратепа ибодатхоналари мажмуаларидаги ва Фаёзтепа таркибидаги ступалар, Эски Термиздаги Зўрмола ступаси шулар жумласидандир.

Ривоятларга кўра, Шимолий Ҳиндистондаги илк ступалар буддавийлик динининг асосчиси будда Гаутама хоки устида барпо қилинган. Ступа изоҳи кўплаб талқинларга сабаб бўлишига қарамасдан бу турдаги иншоотлар Шимолий-ғарбий Бактриянинг Кушон подшолиги даври шаҳарларида муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланган [35].

Буддавийлик меъморчилиги тадқиқотчиларининг таъкидлашича, илк ступалар тарҳи юмалоқ, цилиндрсимон бўлган гумбаз билан тугалланган. Гумбаз ичида конструкция (дхармика) бўлиб, унда соябон–чатра ўрнатилган [36].

Фаёзтепа ва Қоратепада ҳам илк ступалар намуналари қайд этилган. Маҳобатли Зўрмола ступаси эса Г.А. Пугаченкованинг фикрига кўра, паринирвана рамзини ифодалайди. Буддавийлик таълимотида паринирвана бу–якуний нирвана бўлиб, тўлиқ маърифатга эришган инсон бу дунёни жисмонан тарк этганидан сўнг эришилади. Зўрмола ступаси буддавийликдаги 8 та ступадан бири бўлган Паринирвана ступаси гуруҳига оиддир. Ступалар атрофида соат кўрсаткичи йўналиши бўйлаб айланиш диний маросим ўтказилган ва бу диний маросим парикрама ёки прадакшина-патҳа деб аталган. Буддавийлик таълимотига кўра, ступалар ташрифчиларни ёмон иллатлардан халос бўлиш ва эзгу амалларни қарор топтиришда сеҳрли таъсирга эга деб ҳисобланган.

Тармита-Термизнинг буддавийлик монастырлари ва ибодатхоналари у ерда истиқомат этувчи ва фаолият олиб боровчи роҳиблардан ташқари, шаҳар ва унинг атрофида яшовчи аҳоли, шунингдек, савдогарлар ва буддавий даъватчилар учун ҳам мўлжалланган. Тармита-Термиз буддавийлик иншоотларининг сони ва меъморий тузилиши ушбу таълимотга эътиқод қилувчилар кўпчиликини ташкил этганлигидан далолат беради. Хусусан, Чингизтепа, айниқса, «кичик Чингизтепа»да бундай турдаги буддавийлик иншоотлари мавжуд бўлган [37]. К.Абдуллаевнинг таъкидлашича, Чингизтепанинг қалъа қисмида барпо этилган буддавийлик ибодатхонаси шаҳар ва унга яқин жойлашган манзилгоҳлар аҳолиси учун мўлжалланган чайтъя типидagi иншоот ҳисобланади [38]. Хукмдор ибодатхонасининг ҳам Эски Термиз ҳудудида жойлашганлиги буддавийлик иншоотлари унинг мафкуравий ҳаётида муҳим аҳамият касб этганлигини кўрсатади [39].

Тармита-Термиз ва, умуман, Қоратепа буддавийлик иншоотлари мажмуаси, Фаёзтепа буддавийлик иншоотида амалга оширилган археологик қазишмалар жараёнида қадимги бактрия, ҳинд ва «номаълум ёзув»и намуналари кўплаб қайд этилган. Кушон подшолиги даври Шимолий-ғарбий Бактрия ёдгорликларида кўп сонли қадимги ёзув намуналарининг қайд этилиши бу даврда саводхонлик,

ҳисоб-китоблар ва буддавийлик диний асарларидан кўчирмалар жадал амалга оширилганлигидан далолат беради [40].

Тармита-Термизнинг буддавийлик марказларида амалга оширилган археологик қазилмалар жараёнида сиртига қадимги ҳинд ёзувлари асосида турли мазмунда хатлар битилган сопол идишлар намуналари ўрганилган. Бу ёзувлар туширилган хатларнинг баъзи бирларида буддавий таълимоти диний мазмундаги матнлар шаклида берилган. Ёзувларнинг яна бир қисми идиш, уни тақдим этган шахс ва идиш эгасига бағишланган.

Тармита-Термиз буддавийлик мажмуаларидан аниқланган эпиграфик намуналар таҳлили натижасида бу ёзувларда мазкур ёдгорликларда фаолият олиб борган буддавий роҳиблар (Живананд, Буддашир, Буддҳаракшит, Сангҳамирта ва Тармита қавмидан бўлган ҳадячиларнинг исмлари) тилга олинади. Қоратепа ёзувлари орасида Буддашир исми жуда кўп учрайди. У дҳарма билимдони–юксак савияли илоҳиёт олими сифатида эътироф этилган.

ХУЛОСА

Шуни алоҳида таъкидлашимиз мумкинки, Бақтрияда Кушонлар даври маданий алоқалар натижасида кенг тарқалган буддавийлик таълимоти Тармита-Термиз аҳолиси мафкуравий ҳаётида муҳим ўринга эга бўлган. Буддавийлик мажмуалари эса мазкур таълимот тарғиботида муҳим бўғинни ташкил этишган. Буддавийлик эпиграфикаси намуналари таҳлиliga кўра, Тармита-Термиз буддавийлик мажмуаларида ушбу таълимотнинг Маҳасангҳика ва Сарвастивада мактаби вакиллари фаолият олиб борганлигини кўрсатмоқда. Илмий манбаларга кўра, Фаёзтепа ёзувларида «асега», яъни «устоз», Қоратепа ёзувларида эса «Dharmakathika» – «Таълимот тарғиботчиси» ёки «Mahadharmakathika» – «Таълимотнинг буюк даъватчиси» атамалари ўқилган. Ушбу маълумотларга таянган ҳолда шуни таъкидлашимиз мумкинки, Фаёзтепада буддавийлик бўйича роҳибларга таълим берилган, Қоратепада эса мазкур таълимотни кенг тарғиб қилиш амалга оширилган. Хусусан, Фаёзтепада буюк кушонлар даврида таълим олувчи роҳиблар сони 44, 48 ва 50 тагача етган. Бу борада мазкур буддавийлик монастири қадимги Ҳиндистоннинг Сайди Шариф буддавийлик монастиридан қолишмаган.

Эпиграфика намуналари таҳлиliga кўра, Тармита-Термизда фаолият олиб борган буддавий устоз-роҳиблар Живананд, Буддашир, Буддҳаракшит, Сангҳамирта исмлари тез-тез учрайди. Масалан: устоз-роҳиб Буддашир «Дҳарма билимдони-илоҳиёт олими» сифатида эътироф этилган.

Эски термиз буддавий ёдгорликлари меъморий тарҳи тузилиши ва уларнинг асосий вазифаси, эпиграфика намуналарининг таҳлили, Чжи Цзянь, Дҳармамитра каби Бақтрия-тохаристонлик тарғиботчилар фаолияти, ўз навбатида, Тармита-Термизнинг буддавийлик таълимотини Ўрта Осиё ва Узоқ

Шарққа тарқалишида ўзига хос «кўприк» вазифасини бажарганлигини кўрсатади.

ИҚТИБОСЛАР / СНОСКИ / REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 декабрдаги 545-сонли Қарори «Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» <https://lex.uz/docs/-1592417>
2. Шайдуллаев Ш.Б., Аннаев Т. Дж. Еще два новых пункта памятников раннего железного века на территории Сурхандарьи // ОНУ. 1989. №5, – С. 31–34; Пидаев Ш. Тармита – Термиз 1220 йилгача: шаҳарнинг келиб чиқиши ва тадрижий тараққиёти // Термиз – буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 11–27.
3. Tomaschek W. Central Asiatische Studien. Sogdiana. Wien, Vol. I. 1877. – 187 p.
4. Пидаев Ш. К вопросу о локализации Александрии на Оксе // ИМКУ. – Ташкент, 1992. № 26, – С. 46–59.
5. Пидаев Ш. Р. Тармита-Термез 1220 йилгача: шаҳарнинг вужудга келиши ва тадрижий ривожланиши // Термез буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 11-12.
6. Пидаев Ш.Р. Қадимий Термиз. – Тошкент. Фан, 2001. – Б. 5–6.
7. Пидаев Ш.Р. Қадимий Термиз. – Тошкент. Фан, 2001. – Б. 6–7.
8. Аннаев Т., Норматов У. Буюк йўллар чорраҳасидаги қадимги Кент / Янги Ўзбекистон газетаси. 2020 йил 10 декабрь. № 238.
9. Ставиский Б.Я. Кушанская Бактрии: Проблемы истории и культуры. – М.: Наука, 1977. – 287 с.
10. Аннаев Т., Аннаев Ж. Кушон империяси ва жаҳон цивилизацияси / «INFOLIB» 2019. №3. – Б. 78.
11. Si-Vu-Ki: Buddhist records of the Western world, translated by from Chinese of Hiuen Tsiang (A.D. 629) by Samuel Beal. Vol. I. – London. Trübner & Co., Ludgate hill, 1884. – P. 38; Ртвеладзе Э.В. Маршрут Сюань-Цзяня по Средней Азии // Материалы Тохаристанской экспедиции. – Елец: 2011. Вып.8. – С. 189.
12. Аннаев Т., Аннаев Ж. Кушон империяси ва жаҳон цивилизацияси / «INFOLIB» 2019. №3. – Б. 78; Pidaev Sh, Annaev T et Fussman G. Monuments Bouddhiques de Termez. – Paris: College de France. Publications de L’Institut de civilisation indienne. Diffusion de Boccard. Fascule 79,2. 2011. – 280 p.
13. Мкртычев Т. К. Буддийское искусство Средней Азии. – М.: ИКЦ «Академкнига», 2002. – С. 12-13.
14. Воробьева-Десятовская М.И. О терминах «Хинаяна» и «Махаяна» в ранней буддийской литературе // Буддизм История и Культура. – М.: Наука, 1989. – С. 74–83.

15. Очилдиев А., Раҳимжонов Д ва б. Диншунослик асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТИУ, – Б. 154–156; Вертоградова В. В. К вопросу о догматике раннего буддизма // Письменные памятники Востока. М.: ИВЛ, 2006. №2[5]. – С. 108.

16. Лысенко В.Г. Ранний буддизм: религия и философия. Учебное пособие. – М.: 2003. – С. 207–213.

17. Ерохин Б. Р. История буддизма в Индии: становление, расцвет, борьба с брахманизмом, закат // *Magistra Vitae*: электронный журнал по историческим наукам и археологии. 2019. № 1. – С. 80–96.

18. Bagchi Pr.G. India and Central Asia. – Calcutta, 1995. – P. 55; Litvinsky B Outline History of Buddhism in Central Asia. – Moscow. 1968. – 109 p.; Литвинский Б. А. Буддизм и среднеазиатская цивилизация // Индийская культура и буддизм. – М.: Наука, 1972. – С. 148; Литвинский Б. А. Распространение буддизма в Средней Азии // Центральная Азия в кушанскую эпоху. – М.: Наука, 1975. – С. 191–199.

19. Литвинский Б. А., Зеймаль Т. И. Аджина-тепе. – М.: Искусство, 1971. – С. 112.

20. Ставиский Б. Я. Судьбы буддизма в Средней Азии. – М.: ИВЛ, 1998. – С. 156-157.

21. Мкртычев Т. К. Буддизм в Термезе // Термез древний и новый город на перекрестке великих дорог. – Ташкент: Шарк, 2001. – С. 27–56.

22. Пидаев Ш. Р. Қадимги Ўзбекистонда буддавийлик ва буддавий мерос. – Тошкент: O'zbekiston, 2011. – Б.18.

23. Ртвеладзе Э.В. О времени проникновения буддизма в Северную Бактрию // *Ozbekiston tarixi*. 2000. №4. – С. 10.

24. Pidaev Sh., Annaev T. et Fussman G. Avec une contribution de N Sims-Williams et la collaboration d'E. Ollivier T,1 Introductions, catalogues, commentaires,1,2. Planches, index et concordances, resume. College de France. Publications de L'Institut de civilazion indienne. Diffusion de Boccard. – Paris., 2011. Fascule 79,2. – 280 p.

25. Пидаев Ш. Р. Тармита-Термез до 1221 г: генезис и эволюция города // Термез древний и новый город на перекрестке великих дорог. – Ташкент: Шарк. 2001. – С. 14–15.

26. Ртвеладзе Э. В. Термиз ва унинг Ўрта Осиёдаги аҳамияти // Термиз – буюк йўллар чоррахасидаги кўхна ва янги шаҳар. – Тошкент: Шарк, 2001. – Б.10.

27. Ставиский Б. Я. Судьбы буддизма в Средней Азии. – М.: ИВЛ, 1998. – 209 с.

28. Хмельницкий С. Между Кушанами и арабами. – Берлин-Рига: «GamaJun», 2000. – С. 234–236.

29. Callicri P. Saidu Sharif I (Swat, Pakistan). 1. The Buddhist Sacred Area. The Monastery (IsMEO Reports and Memoirs, XXIII 1), – Rome, 1989. – 315 p.

30. Хуэй-цзяо. Жизнеописания достойных монахов («Сы чао гао сэн чжуань»). Пер. с кит. исслед., коммент. и указатели М.Е. Ермакова. Т. 1. (Раздел 1: Переводчики), М., 1991. – С. 137. Ртвеладзе Э.В. Проповедники буддизма из стран Трансоксианы в Китае // ОНУ. 1998. №4-5. – С. 17–23.

31. Ртвеладзе Э. В. Термиз ва унинг Ўрта Осиёдаги аҳамияти // Термиз буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. – Тошкент: Шарқ, 2001, – Б. 10–11; Литвинский Б.Я. Распространение буддизма в Средней Азии // Центральная Азия в кушанскую эпоху. – М.: Наука, 1975. – С. 193–194.

32. Чориев З. У, Шайдуллаев Ш. Б, Аннаев Т.Ж. Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти. Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 53–57.

33. Харматта Я. К интерпретации надписей на керамике из Кара-тепе // Буддийские пещеры Кара-тепе в Старом Термез. – М.: Наука. 1969. – С. 32–36.

34. Pidaev Sh, Annaev T et Fussman G. Monuments Bouddhiques de Termez. – Paris: College de France. Publications de L’Institut de civilazion indienne. Diffusion de Boccard. Fascule 79,2. 2011. – Pp. 279.

35. Аннаев Т, Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997. – Б. 40–41.

36. Мкртычев Т. К. Буддизм в Термезе // Термез древний и новый город на перекрестке великих дорог. –Ташкент: Шарқ, 2001. – С. 27–56.

37. Pidaev Sh, Annaev T et Fussman G. Monuments Bouddhiques de Termez. – Paris: College de France. Publications de L’Institut de civilazion indienne. Diffusion de Boccard. Fascule 79,2. 2011. – Pp.128–129.

38. Kazim Abdullaev. The buddhist culture of Ancient Termez in old and recent finds // Parthica. Incontri di culture nel mondo Antico.– Pisa-Roma. Fabrizio Serra editore, 2013. – Pp.160-161.

39. Пидаев Ш. Р. Тармита-Термез 1220 йилгача: шаҳарнинг вужудга келиши ва тадрижий ривожланиши // Термез буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 17.

40. Pidaev Sh, Annaev T et Fussman G. Monuments Bouddhiques de Termez. – Paris: College de France. Publications de L’Institut de civilazion indienne. Diffusion de Boccard. Fascule 79,2. 2011. – Pp. 3–280.